

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАТИРХАНОВА МАДИНА ОЙБЕКОВНА

**СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ ВА ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(ўзбек, рус ва инглиз тиллардаги тана аъзоларининг “Бош” қисми
асосида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) in
philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Батирханова Мадина Ойбековна

Соматик фразеологик бирликлар таржимасининг лингвомаданий ва прагматик хусусиятлари (ўзбек, рус ва инглиз тиллардаги тана аъзоларининг “Бош” қисми асосида).....3

Батирханова Мадина Ойбековна

Лингвокультурно-прагматические особенности перевода соматических фразеологических единиц (на примере основания части тела “голова” в узбекском, русском и английском языках).....27

Batirxanova Madina Oybekovna

Linguocultural and Pragmatic Features of the Translation of Somatic Phraseological Units (on the Example of the Body Part “Head” in Uzbek, Russian and English).....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works59

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАТИРХАНОВА МАДИНА ОЙБЕКОВНА

**СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ ВА ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(ўзбек, рус ва инглиз тиллардаги тана аъзоларининг “Бош” қисми
асосида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Fil1222 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Андижон давлат университети веб-саҳифасининг www.adu.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хошимова Дилдора Мадаминовна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Раупова Лайло Рахимовна
филология фанлари доктори, профессор

Гадоева Мавлюда Ибрагимовна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Андижон шаҳар, Бобур шоҳ кўчаси, 5-уй. Тел: 0(374) 223-88-14; факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100 Андижон шаҳар, Бобур шоҳ кўчаси, 5-уй. Тел: 0 (374) 223-88-14.

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.

(2022 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Х.Шахабитдинова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Ф.Ф.Усманов

Илмий даража берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.ф.д.

М.И.Умарходжаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида фразеологик бирликларга нисбатан тан олинган ягона ва мукамал қарашнинг мавжуд эмаслиги ушбу масала доирасида мунтазам баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Бу эса фраземаларни жиддий ўрганишни тақозо этади, чунки фразеологик бирликлар ҳар қандай халқ маънавий меросини, бой тарихини, миллий қадриятларини, маданий ва маънавий бойлигини теран англашга имкон беради, айти пайтда, уларни бошқа тилларга ўгириш муаммоси таржимашуносликда долзарб масалалардан ҳисобланади. Айниқса, таржима жараёнида тилнинг луғат захирасидаги фразеологик бирликларнинг лингвомаданий хусусиятларини таърифлаш, уларнинг ҳар бир тилдаги ўзига хослигини намоён этиш таржимашунослик фанининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Дунё тилшунослигида тил ва маданият муносабати, миллий менталликни англаш, унинг коммуникатив вазифасини фразеологик бирликларнинг “маданий кодлари” орқали тадқиқ қилиш масалаларига эътибор янада кучайди. Соматик фразеологизмларнинг турли тизимли тилларда мувофиқ таржима усули орқали лингвомаданий жиҳатларини - миллий онг, миллий тафаккур, миллий дунёқарашни очиб бериш амалий эҳтиёж сифатида муҳим лингвистик муаммо саналади.

Ўзбек тилшунослигида фразеология чуқур ва изчил тадқиқ этилган соҳалардан бўлишига қарамай, айнан ўзбек тили луғат бойлигидаги соматик фразеологизмларнинг таржимашуносликдаги муаммолари турли тизимли тиллар мисолида етарлича ўрганилган эмас. Маълумки, мамлакатимизда кечаётган жадал ислохотларнинг ҳозирги босқичида “дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадрият”¹ даражаси ва мақомидадир. Бугунги кунда жамиятимизда турли соҳаларда жадал суръатларда ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, тилшунослик ва таржимашунослик соҳаларида ҳам тубдан ислохотлар ушбу фанларни ўрганишга янги қараш, ёндашувларни талаб қилади. Ўзбек тилининг қардош бўлмаган тиллар билан чоғиштирма тадқиқи ўзбек фразеологияси асосидаги миллий маданиятимиз дурдоналарини, тилимизнинг нодир намуналарини жаҳон аҳли эътиборига тақдим этиш имконини беради. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун бу борадаги фундаментал тадқиқотлар истиқболини жаҳон фани ютуқлари даражасида белгилаш лозим бўлади. Чет тиллар таълимига эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган бугунги даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясида” аудиовизуал асарлар, бадиий фильмлар, адабиётларни давлат тилидан бошқа тилларга таржима қилиш ишларини кенг йўлга қўйиш, ҳар бир йўналиш

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 20.10.2020 йилдаги ПФ-6084-сон/ Халқ сўзи. – Тошкент, 2020, 20 октябрь. – № 1398. – Б.1.

бўйича таржима режасини, таржимонлар гуруҳини шакллантириш, таржима ишларини амалга ошириш, таржималарни оммалаштириш, давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш, ўзбек тилидаги мавжуд луғатлар асосида узлуксиз таълимнинг барча турлари учун ўқув луғатларини яратиш, ўзбек тили ўқув лексикография тармоғини ривожлантириш, замонавий, янги авлод ўқув луғатларини тузиш ҳамда уларнинг электрон шаклларини ва соҳалар бўйича атамалар луғатини яратиш, таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш алоҳида таъкидланган. Шундай экан, турли тизимли тиллардаги миллий-маданий хусусиятларни ифодаловчи фразеологизмлар ва уларнинг лингвомаданий ҳамда прагматик таҳлили бўйича қиёсий ҳамда таржима аспектида илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони; 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида соматик фразеологизмларни ўрганиш XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Соматик фразеологизмлар бир тил доирасида Ф.Вакк, Р.М.Вайнтрауб, Г.А.Багаутдинова, А.В.Дыбо, С.Г.Алексеева, Т.И.Егорова, Н.А.Седова, Чой Юн Хилар томонидан; икки тил доирасида П.М.Аркадьев, Е.Ф.Арсентьева, А.В.Гандалова (инглиз ва ингус), Гэ Цзин Шэнь (хитой ва инглиз), А.Ю.Мусалова (нўғай ва инглиз), Э.С.Гасанова (рус ва озарбайжон), И.У.Аджиева (рус ва чечен), Ф.И.Даутова (рус ва кўмик), Тимеа Чэтэ (рус ва венгер), О.А.Кононова, Л.И.Харченко, Ю.А.Шашков, Р.Ю.Мугу (рус ва

немис), Е.В.Николина, Н.Ж.Гумерова томонидан; уч тил доирасида эса Ж.Х.Гергокова, Ю.А.Долгополов² томонидан қиёсий аспектда ўрганилди.

Ўзбек тилшунослигида ФБлар дастлаб Э.Поливанов, кейинроқ И.Қўчқортоев, Ш.Раҳматуллаев, Ғ.Саломов, М.Умархўжаев, А.Маматов, Б.Йўлдошев, Х.Бердиёров, А.Бушуй, Л.Ройзензон ва бошқалар, сўнги йилларда эса соматик фразеологизмлар О.Назаров, Ш.Абдуллаев (ўзбек ва қорақалпоқ), О.Ахмедов, Ш.Усмонова (ўзбек ва турк), У.Рашидова, З.Ж.Абдурахмонова, М.Гадоева, Г.И.Эргашева, Н.Турсунова³ каби тилшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ

²Долгополов Ю.А. Сопоставительный анализ соматической фразеологии (на материале русского, английского и немецкого языков): Автореф. дисс. ... канд. филол.наук. – Казан, 1973. – 27 с.; Арсентьева Е.Ф. Сопоставительный анализ фразеологических единиц (на материале фразеологических единиц, семантически ориентированных на человека в английском и русском языках). – Казань: Издательство Казанского университета, 1989. –130 с.; Аркадьев П.М. Полисемия названий головы в славянских и германских языках в типологическом и историческом аспектах // Московский лингвистический журнал. – 2002. – № 6. – С. 42-47.; Харченко Л.И., Шашков Ю.А. Облик человека в зеркале русского и испанского языков // Логический анализ языка. Образ человека в культуре и языке. – Москва: Индик, 1999. – С.312-319.; Азимова М.Н. Сопоставительный анализ соматической лексики и фразеологии таджикского и английского языков: Автореф. дисс. ... канд.филол.наук. – Душанбе, 1980. – 22 с.; Абрамова А.Г. Фразеологические единицы с компонентами – соматизмами в разноструктурных языках: на материале русского и чувашского языков: Дисс. ...канд. филол. наук. – Чебоксары, 2005. – 181 с.; Бибилайшвили Ц.В. Типологическое сопоставление французской и грузинской фразеологии (на материале соматических фразеологизмов): Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – Тбилиси, 1986. – 24 с.; Мугу Р.Ю. Полисемантизм соматической лексики: на материале русского и немецкого языков: Дисс... канд. филол. наук. – Майкоп, 2003. – 174 с.; Чой Юн Хи. Внутренняя форма соматических фразеологических единиц русского языка (в сопоставлении с фразеологическими единицами корейского языка): Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2001. –225 с.; Николина Е.В. Соматические фразеологизмы, характеризующие человека в тюркских языках Сибири и казахском: Автореф. дис. ... канд. филол.наук. – Новосибирск, 2002. – 24 с.; Мусалова А.Ю. Соматические фразеологические единицы в ногайском языке в сопоставлении с английским: Дисс. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2015. –186 с.; Тимеа Чэтэ. Соматические фразеологизмы в русском и венгерском языках: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Москва, 1999.

³Раҳматуллаев Ш. Некоторые вопросы узбекской фразеологии. – Ташкент: Фан, 1966. – 262 с.; Умарходжаев М.И. Основы фразеографии – Ташкент: Фан, 1983. – 132 с.; Маматов А.Э.Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1999. – 316 б.; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри дисс. ... автореф. – Тошкент, 1993. – 47 б.; Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиялогик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 122 б.; Назаров О. Сопоставительный анализ соматических фразеологизмов русского и туркменского языков: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ашхабад, 1973. – 203 с.; Абдуллаев Ш. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги “бош қотирмоқ” ибораси ҳақида // Тил ва адабиёт таълими, 2005. – №1. – Б.80-82.; Ахмедов О. Қиёсий тилшунослик инглиз тили терминологиясида соматик ва зономик компонентли терминларнинг таржимадаги лексик-семантик хусусиятлари. – Тошкент, – Б.137.; Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик иборалар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1998. –162 б.; Бушуй А.М. Библиографический указатель литературы по вопросам фразеологии. – Самарканд, 1976. - Вып. IV.; Ройзензон Л.И., Бушуй А.М. Материалы к общей библиографии по вопросам фразеологии. – Самарканд, 1970. – Вып. II.; Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Тошкент, 1983. - 138 б. Рашидова У. Соматик фраземаларнинг тилшуносликда ўрганилиш тарихига доир: Филол.фан.номз. ... дисс.автореф. – Тошкент, 2016. – Б.75.; Эргашева Г. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг қиёсий типологик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011. – 149 б.; Абдурахмонова З. Инглиз ва ўзбек тилларидаги соматик фразеологизмларнинг лингвостилистик, хусусиятлари ва уларнинг ўзбек тилида берилиши (лексикографик манбалар асосида). – Самарканд, 2015. – Б.25.; Гадоева М. Comparative analysis of somatism “Head” in the Uzbek and English languages. – Bukhara, 1984. – P.197-204.; Турсунова Н. Турли тизимдаги тиллардаги миллий-маданий хусусиятларни ифодаловчи фразеологизмлар ва уларнинг лингвокультурологик таҳлили. Филол. фан. док. дисс. ... автореф. – Андижон, 2021. – Б.7.

“Фразеологик бирликлар таржималарининг лингвопрагматик тадқиқи” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. “Бош” компонентли соматик фразеологизмларнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги маъносини ёритиш ва бу бирликларнинг матнда қўлланиш хусусиятларини лингвомаданий ҳамда прагматик нуқтаи назардан очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги “бош” тана аъзоли соматик фразеологик бирликларнинг миллий “маданий кодлар” орқали таърифлаш ва кодлараро тадқиқ этиш масаласини илмий жиҳатдан асослаб бериш;

соматик фразеологик бирлик(СФБ)лар таржимаси ўзбек тилидан рус ва инглиз тилларига эквивалент, муқобил ва калька орқали амалга оширилишини кўрсатиб бериш;

инглиз ва рус тилларидан ўзбек тилига тасвирий ҳамда лексик баён усуллари орқали қайта яратилишини таржимашунослик методологияси асосида далиллаш;

соматик фразеологизмларни таржима қилиш мезон ва тамойиллари, уларнинг миқдор устуворлиги ва статистикасини фактлар асосида ишлаб чиқиш;

фразеологик бирликларнинг ҳар бир тилдаги “маданий кодлар”ини таснифлаш, уларнинг таржима қилиш муаммоларини аниқ кўрсатиб бериш;

ўрганилаётган бирликлар таржимасининг коммуникатив ва прагматик мувофиқлик ҳамда номувофиқликда амалга оширилганлиги, бу бирликларнинг бадиий матндаги таржимаси таржимашунослик назарияси асосида – эквивалент, муқобил, тасвирий изоҳ, лексик баён усуллари орқали қайта тикланганлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини “Ўткан кунлар”, “Шум бола”, “Чол ва денгиз”, “Алвидо, Қурол!” асарлари, ўзбек-рус ва инглиз-рус тилларидаги фразеологик бирликлар луғати ҳамда онлайн луғатлардаги ”бош” соматик фразеологик бирликлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги “бош” соматик фразеологик бирликларининг лингвомаданий ва прагматик хусусиятларини очиқ беришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таснифлаш, тавсифлаш, қиёсий, чоғиштирма, статистик, прагматик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги “бош” тана аъзоли соматик фразеологик бирликлар миллий “маданий кодлар” орқали асосланиб, “бош” тана узви ибора компоненти сифатида инглиз ва рус тилларида кенг қўлланилиши аниқланган;

соматик фразеологик бирликлар таржимаси ўзбек тилидан рус ва инглиз тилларига транслитерация, тасвирий, трансформацион, калька усуллари орқали амалга ошганлиги далилланган;

ўзбек фразеологияси фондида соматизмлар билан боғлиқ бўлган бирликлар салмоқли ўрин тутиши нафақат кундалик фаолиятда, балки

бадий адабиётда ҳам қаҳрамонлар руҳий кечинмалари ифодасида инсон тана аъзолари иштирокининг фаоллиги билан изоҳланиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларида эмоционал-экспрессивлик, бўёқдорлик жиҳатлари билан фарқланиши исботланган;

соматик фразеологик бирликлар таржимасида прагматик мувофиқликни таъминлаш учун шарҳ ва изоҳлардан фойдаланиш зарурлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

СФБларни бадий асарларда акс этиш тамойиллари ҳамда таржималарни амалга оширишда қандай йўл тутиш кераклиги бўйича фикрлар ва таклифлар берилган;

уч тил доирасидаги соматик фразеологик бирликлар лингвомаданий ва прагматик жиҳатларининг аслиятга мос таржима принциплари аниқланган;

таҳлил қилинган материаллар асосида “ўзбекча-русча-инглизча СФБлар таржима”лари илова тарзида келтирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилга тортилган материалларнинг илмий методлар воситасида асосланганлиги, қўлланилган ёндашув усуллари ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, таржимашунослик ва тилшуносликнинг замонавий илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек, рус ва инглиз фразеологиясида, қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик, таржимашунослик, қиёсий типология, лингвомаданият, семантика каби йўналишларни такомиллаштиришда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда амалга оширилган таҳлиллар фразеология, таржимашунослик, қиёсий типология, лингвомаданият, семантика билан боғлиқ махсус курсларни ташкиллашда, дарслик, қўлланмалар ва луғатлар яратишда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида соматик фразеологик бирликлар таҳлилидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги “бош” тана аъзоли соматик фразеологик бирликлар миллий “маданий кодлар” орқали асосланиб, “бош” тана узви ибора компоненти сифатида инглиз ва рус тилларида кенг қўлланилишига доир хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 26 мартдаги 115/3-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ фразеологизмлари, мақол ва маталларининг тил ва маданиятнинг ўзига хос жиҳатларини лингвистик тадқиқи назарий жиҳатдан бойитилган;

соматик фразеологик бирликларнинг ўзбек тилидан рус ва инглиз тилларига эквивалент, муқобил ва калька, инглиз ва рус тилларидан ўзбек тилига тасвирий ҳамда лексик баён усуллари орқали амалга оширилиши ҳақидаги назарий қарашлардан Artvin Coruh Universitesi марузачиси Dr. Erhan Giraунинг “Абдулла Қаҳҳор ҳикоянавислиги” номли лойиҳасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Artvin Coruh университетининг 2022 йил 25 апрелдаги Е.9632-сон маълумотномаси). Натижада соматик фразеологик бирликлар таржимаси ва усуллари ҳақидаги назарий қарашлар лойиҳанинг амалий жиҳатларига татбиқ қилинган;

соматик фразеологик бирликлар таржимасида прагматик мувофиқликни таъминлаш учун эквивалент ва муқобил таржима усулларида фойдаланиш зарурлигига доир хулосаларидан Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг “Очиқ мулоқот”, “Долзарб мавзу”, “Замондош”, “Қадрият”, “Маънавият - қалб кўзгуси”, “Кун мавзуси”, “Зиё масканларида”, “Адабий муҳит” кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 3 мартдаги 51-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувлар миллий ва маърифий жиҳатдан бойитилган, тайёрланган материалларнинг таъсирчанлиги ортган, эшиттиришлар сценарийси мазмунан мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 6 та халқаро ва 2 та республика имлий-амалий анжуманларида маъруза қилиниб, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, шундан 3 та республика ва 5 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби Кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 130 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ишнинг биринчи боби “**Соматик фразеологик бирликлар (СФБ)нинг назарий асослари**” деб номланган бўлиб, унда СФБлар ва уларнинг тилшуносликдаги тадқиқи, соматик фразеологик бирликлар таснифи, “маданий кодлар” масаласи ва СФБларнинг лингвомаданий ва прагматик моҳияти ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тана аъзоларининг номлари фразеологик бирликлар (ФБ) ясашида энг кўп иштирок этувчи лексемалардан ҳисобланади. “Соматизм” термини илк бора тилшуносликка фин олими Ф.Вакк томонидан киритилган, soma – юнонча сўз бўлиб, “тана”, “бадан” деган маъноларни англатиб, “соматик фразеологизм” таркибида инсон ҳамда ҳайвон тана аъзолари билан аталган фразеологик бирикмалар ҳам мавжуддир. Ф.Вакк “соматик фразеологизм” таркибига инсон ва ҳайвон танаси аъзолари номлари, шунингдек, иш-ҳаракат ҳамда имо-ишораларни ифодаловчи турғун сўз бирикмаларини ҳам киритади⁴.

Соматизм компонентли ФБ - етакчи ёки муҳим компоненти нафақат тананинг ташқи жисмоний шакллари (бош, қўл, бурун ва бошқалар), балки унинг элементларини ҳам англатувчи сўз бўлган ФБ сифатида тушунилади, юрак-қон томир, асаб ва бошқа тизимлар (қон, талоқ, мия, жигар ва бошқалар) ҳам шулар жумласидандир. Тилшуносликда “соматик фразеологизм” атамаси қиёсий планда турли тизимдаги тиллар доирасида ўрганилган. Бу ўринда Э.М.Мордкович⁵, В.Н.Телия, В.А.Маслова, А.В.Прожилов, Е.Н.Белая, О.Назаров, В.С.Данилов, Н.В.Куницкая, В.В.Ламова, В.Вайнтрауб, Л.Р.Сакаева, Й.Долгополов (рус, инглиз ва немис тилларида соматик фразеологизмлар), М.Абилгалиева (қозоқ ва немис тилларида соматик фразеологизмлар), Д.Сайпуллаева (туркман ва инглиз тилларида соматик фразеологизмлар), Ф.В.Скнар⁶ (инглиз ва украин) каби олимларнинг тадқиқотларида бу масалалар атрофлича кўриб чиқилган. Тилшунос олимлар соматик ФБларни уч тил асосида қиёсий аспектда ўрганган. Рус тилшунослигида илк мартаба Э.М.Мордкович ўзининг “Соматик фразеологизмларнинг семантик-тематик гуруҳлари” мавзусидаги мақоласини нашр қилган, 1973 йилда номзодлик ишини ҳимоя қилган. Ю.А.Долгополов рус, инглиз ва немис тилларидаги соматик ФБларни ўзаро қиёслади, В.Вайнтрауб эса славян тилларидаги фразеологизмларни тадқиқ этди. Ёки Ж.Х.Гергокова⁷нинг номзодлик диссертациясида қорачой-болқор, инглиз ва рус тилларидаги “инсон” тушунчасининг фразеологик концептуаллашуви жараёнини қиёсий метод асосида бир-биридан фарқлаб берган.

Ўтган аср охирида ўзбек тилшунослигида М.Умархўжаев, Ш.Усмонова, А.Исаев, Д.Худойбергана, М.Рустамова, Ш.Абдуллаев, О.Ахмедов⁸, кейинги йилларда У.Рашидова, З.Ж.Абдухадова, М.Гадоева ва

⁴Вакк Ф. О соматической фразеологии в современном эстонском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Таллин, 1964. – С.23.; Баранова Л.Ф. Структурно-семантические соотношения английской и русской фразеологии (на материале произведений Джеймса Олдриджа и их переводов на русский язык): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ленинград, 1970. – Б.14.

⁵ Мордкович Э.М. Соматические фразеологизмы белорусского языка, не имеющие эквивалентов в русском языке Текст. / Э.М. Мордкович // Вопросы русской филологии: тезисы докл. IV научно-теоретической конференции. – Самарканд, 1970. – С.25.

⁶ Шабанов Ж., Шабанова С.Д. “Соматизмлар иштирок этган ибораларнинг замонавий тилшуносликда ўрганиш масалалари”. “XXI аср: фан ва таълим масалалари” илмий электрон журнали. №4, 2018. – Б.3.

⁷ Рашидова У. Соматик фраземаларнинг тилшуносликда ўрганилиш тарихига доир: Автореф. дисс. ... канд. филол. фан. – Тошкент, 2016. – Б.75.

⁸Умархўжаев М.И., Назаров К.Н. Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғат. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 169 б.; Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: ф. ф. н. дисс. – Тошкент, 1998. –

Н.Турсунова⁹ларнинг тадқиқотларида ўрганилган. Ўзбек тилшунослигида ФБлар таҳлиliga бағишланган тадқиқотлар кўп бўлсада, соматизмлар қатнашган ФБлар таҳлиli кенг тадқиқ этилмаган, бу мавзу доирасидаги ишларда қиёсий ҳамда чоғиштирма таҳлил асосий ўринни эгаллайди.

Тилшунос олим О.Назаров эса соматик фразеологизмлар таркибига фақат инсон тана аъзоларининг номи билан ясалган фразеологизмларни киритади, бироқ имо-ишораларни улар таркибига қўшмайди¹⁰. Ҳозирги пайтда соматизмлар кенг маънода талқин этилиб, уларнинг таркибига нафақат тана аъзолари, балки инсоннинг ички органлари, биологик суюқлик, инсон нутқи ва аклини ифодалайдиган бирликлар ҳам киритилади.

СФБларнинг “маданий кодлар”и масаласи ўзбек тилшунослигида ҳануз етарлича ўрганилмаган. Маълумки, “код” термини илмий-техника соҳада пайдо бўлган Морзе кодидир. Маданий код эса баъзи маданий ҳодисалар ёки ҳодисаларнинг тўлиқ маъносини тушунишга ёрдам беради. Масалан, матнлар, рамзлар, маросимлар, урф-одатлар ва бошқалар. Маданий код вақт ўтиши билан ўзгариши, мослашиши, бошқача айтганда, мураккаблашиши ёки аксинча, соддалаштирилиши мумкин. Маданий код дунёнинг маданий манзарасини тушунишнинг ўзига хос калитидир. Маданий код – бу маълум бир маданиятга мансуб шахс онгида мавжуд бўлган стереотипик ва стандарт тасвирлар ёрдамида маданиятни таниб олиш имконини берадиган маълум бир шаклда шифрланган маълумотдир. Маданий код атамаси оғзаки ва вербал бўлмаган тизимларни тушуниш ва шакллантириш учун ишлатилиши мумкин.

Ҳозирги пайтда тилшунос олимлар соматизмларни таърифлашда “маданий код” тушунчасига таяниб, уларни турли гуруҳларга бўлиб чиққан. ФБларни “маданий код”ларга асосан тавсифлаш миллий хусусиятларни намоён этади. Лексик-семантик хусусиятларига кўра, қайд этилган гуруҳларда лингвомаданий моҳият тўлиқ ифода этилмаган ФБлар маданий кодлар орқали миллий манзарани юзага чиқариб беради. Соматик фразеологизмларни ушбу тавсифи миллий характерга эга бўлиб, ҳар бир жамиятнинг лисоний онгини таърифлашга ва олам манзараси масалаларини

Б.95.; Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Дисс...канд.филол.наук.-Т., 1976. – Б.126.; Худойберганаева Д. Лингвокультурологияда маданий код тушунчаси ва талқини//Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2019. – №3. – Б.15.; Рустамова М. Соматизмларнинг таркибий қисм сифатида италян тили фразеологик бирликларида учраши // Филологические науки. Ученые XXI века. № 4-2 (17). 2016. – Б.53-55.; Абдуллаев Ш. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги *бош қотирмоқ* ибораси ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2005. – № 1. – Б.80-82.; Аҳмедов О. Қиёсий тилшунослик инглиз тили терминологиясида соматик ва зоонимик компонентли терминларнинг таржимадаги лексик-семантик хусусиятлари. – Тошкент, 2018. – 135 б.

⁹Рашидова У. Соматик фраземаларнинг тилшуносликда ўрганилиш тарихига доир: Автореф. дисс. ... канд. филол. фан. – Тошкент, 2016. – Б.75.; Абдухадова З.Ж. Инглиз ва ўзбек тилларидаги соматик фразеологизмларнинг лингво-стилистик, прагматик хусусиятлари ва уларнинг ўзбек тилида берилиши(лексикографик манбалар асосида). маг.дис. – Самарқанд, 2015.; Гадоева М.И. “Comparative Analysis of Somatism “Head” in the Uzbek and English Languages”. – Bukhara. Linguistics, Education Conference 1984. – P.197-204.; Турсунова Н. Турли тизимдаги тиллардаги миллий-маданий хусусиятларни ифодаловчи фразеологизмлар ва уларнинг лингвокультурологик таҳлиli: Филол. фан. фал. док. дис. ... автореф. – Андижон, 2021. – Б.5.

¹⁰ Назаров О. Сопоставительный анализ соматических фразеологизмов русского и туркменского языков: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ашхабад, 1973. – С.17.

ёритишга имкон беради¹¹. Соматик фразеологизмларни маданий кодларга ёндашган ҳолда ўрганиш олам миллий манзарасининг серкирралигини намоён этади. Е.С.Кубрякова маданий кодларни тилнинг семиотик тизими билан бевосита боғлиқлигини ифодалайди. Турли предмет ва вазиятларни белги сифатида талқин этиш тилнинг ички моҳиятини ўрганишга замин яратади. Ҳар бир “маданий код” ўзининг семиотик тизимини намоён этади, ундаги турли шаклий воситалар ва моддий предмет ҳамда тушунчалар яхлит маънога эга бўлиб, категориялар остида бирлашади¹².

В.В.Красных фразеологизмларнинг олтита маданий код, Е.Н.Белая эса тўртта асосий маданий код, В.В.Ламова 11та маданий код мавжудлигини таъкидлайди¹³. Соматик маданий кодга тааллуқли фразеологизмлар бошқа маданий кодлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, Р.Батсурэн соматик фразеологизмларни бошқа маданий кодлар билан уйғунлашган ҳолда таҳлил этиб, ўзининг тавсифини тавсия этади¹⁴. Соматик маданий кодли фразеологизмларни бошқа маданий кодлар билан боғлиқ ҳолда биз 16 та гуруҳга тақсимладик.

В.В.Ломова “биоморф” коди остида ҳайвон, парранда-қушлар, ҳашоротлар ва ўсимликларни бирлаштиради. Лекин бизнинг тадқиқотимизда ҳайвон ва парранда-қуш, ҳашаротларни “зооморф” коди остида бир гуруҳга, ўсимликларни эса “биоморф” кодига тааллуқли гуруҳга бирлаштирдик, чунки флора ва фауна билан боғлиқ ФБларни алоҳида гуруҳларда таҳлил қилиш соматизмларнинг маданий кодларини янада чуқурроқ кўриб чиқишга имкон беради. “Анимик” коди остида табиат ҳодисаларига оид соматик фразеологизмлар ўз ифодасини топди.

Лингвомаданиятнинг объекти сифатида ўз ичида маданий маълумотни қамраб олган тил бирликлари кўрилади. Мазкур фаннинг вазифалари сифатида тил ва маданият уйғунлигида тил бирликларини таҳлил қилиш, маданий-лисоний концептларнинг шаклланишини ўрганиш, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги “маданий маънолар”нинг қандай тарзда тушунилишини тадқиқ қилиш, миллий олам манзарасини аниқлашнинг имконияти мавжуд. Маълум бир маданиятга хос дунёқарашнинг акс этганлигини инобатга олиб, А.Ф.Артемяева фразеологизмларни лингвомаданий бирликлар доирасида изоҳлайди¹⁵, В.А.Маслова ФБларни

¹¹ Хошимова Н. Ўзбек тилида ассоциатив муносабатлар: Автореф. PhD. – Фарғона, 2018. – Б.95.

¹² Кубрякова Е.С. Образ мира в сознании человека и словообразовательные категории как их составляющие // Изв.РАН. Сер.лит. и языка. – М., 2006.–Т.65. – №2. – С.5.

¹³ Белая Е.Н. Теоретические основы исследования языковых и речевых репрезентаций базовых эмоций человека (на материале русского и французского языков): Автореф. дис. канд. филол.наук. – Барнаул, 2006. – С.6.; Ламова В.В. Объектный культурный код во фразеологизмах характеризующих явления и ситуации //Известия Российского государственного педагогического университета. Общественные и гуманитарные науки. – 2008. – С.14.

¹⁴ Батсурэн Р. Культурные коды во фразеологических единицах с компонентом-соматизмом “нос” в английском, русском и монгольском языках //Concise English-Russian-Mongolian dictionary of idioms. –УБ: Эдмон, 2004.;

¹⁵ Артемяева О. Н. Человеческое тело в традиционных представлениях русских среднего При иртышья конца XIX первой половины XX в.: Дис. ... канд. ист. наук. – Омск, 2005. – С.28.

маданият куроли сифатида уларга хос маданий-миллий коннотацияларни таърифлайди¹⁶.

М.Равшанов лингвомаданиятнинг ўрганиш объекти жонли тиллиги ва тил орқали миллатнинг моддий ва маънавий жиҳатлари ифодаланишини таъкидлайди¹⁷. Лингвомаданиятнинг мақсадини эса тил воситалари орқали миллат маданиятини сақлаш ва ифодалаш, дея изоҳлайди. В.Н.Телия лингвомаданиятни илмий фан сифатида таърифлаб, миллий маданият ва халқ менталитетининг жонли тилга сингдирилган ҳолда ўрганилиши, тил ва маданиятнинг бир бутунлик сифатида ифодаланиши ҳақида сўз юритади¹⁸.

Дарҳақиқат, тилларнинг қиёсий ўрганилишида халқ менталитетига доир ўзига хослик, миллийлик йиллар мобайнида сақланиб келаётган ва аждоддан авлодга маданий мерос сифатида берилаётган ФБларда кўзга ташланади. Ўзбек тилидаги *ҳамманинг оғзида дув-дув гап* ифодаси рус тилида ўзининг *притча во языцех* муқобил вариантыга эга бўлса, инглиз тилида эса соматизм иштирок этмаган *talk of the town* деган иборани муқобил вариант сифатида келтиришимиз мумкин. Шунингдек, кўз турлича рамзларни ифодалайди¹⁹: қуёш рамзи, руҳият рамзи, ёмон ниятлар рамзи, турли ҳиссиётлар рамзи ва, албатта, рамзлар ҳар қайси тилда ўз ифодасини топади. Рус тилида: *дурной глаз, лихой глаз, чёртов глаз*; инглиз тилида: *evil eye, green eye, big eye; roving eye*; ўзбек тилида *ёмон кўз, ўйноқи кўз, кўз тегади. Green eye* соматизми ҳасадгўй кишини англатади, чунки *green* сўзи инглиз тилида ҳасад, тажрибасизлик каби ҳолатларни ифодалайди. Кўриниб турибдики, ФБлар мажозий маънога эга бўлиб, хилма-хил рамзлар орқали намоён бўлади. Бу эса, ўз навбатида, “оламнинг миллий манзара”си билан бирга, “оламнинг фразеологик манзараси” ҳам вужудга келишига замин яратади. Маданий кодларни таҳлил қилишда баъзи тадқиқотчилар уларни асосий ва концептуал кодларга ажратиб кўрсатадилар²⁰. Асосий маданий кодлар уларни ташкил этувчи белгиларнинг моддий табиати бўйича белгиланади. Концептуал кодлар эса улар маъносини акс эттирувчи элементларнинг маъновий умумийлиги бўйича ажралиб туради, масалан, биологик, зоологик, гастрономик, анимик ва бошқалар.

ФБлар семантикасида ифодаланадиган прагматик ахборотда прагматик мақсад ва муносабат, коннотатив образлилик, миллий-маданий ўзига хосликлар бошқа лисоний бирликларга қараганда кучлироқ ифодаланади. Прагматик ахборотдаги маънони англашда фразеологизм таркибидаги

¹⁶Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студентов высших учеб. заведений. – М.: Академия, 2001. – С.12.

¹⁷ Равшанов М.Сопоставительный анализ особенностей фразеологических лингвокультурем // Преподавание языка и литературы, 2018. – №9. – Б.65.

¹⁸Телия В.Н. Русская фразеология: Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты/ В.Н.Телия. – М: Шк. Языки рус. Культуры, 1996. – С.184.

¹⁹Дашиева Д.Б. Изучение соматической фразеологии в современной русистике. Вестник Бурятского государственного университета, 2010. – № 10. – С.71.; Аркадьев П.М. Полисемия названий головы в славянских и германских языках в типологическом и историческом аспектах // Московский лингвистический журнал, 2002. – № 6. – С.42-47.

²⁰Кубрякова Е.С. Образ мира в сознании человека и словообразовательные категории как их составляющие // Изв.РАН .Сер.лит. и языка.Т.65. – М., 2006.– №2. – С.10.

қуйидаги макростратегик вазифалар аниқланади: ФБни қўллашдан мақсад (функциялар); ФБ қўлланилган матннинг прагматик потенциали (китобхонга, тингловчига таъсири), унда муаллифнинг, сўзловчининг коммуникатив интенцияси. Бундай ахборот рецепторнинг когнитив-ментал онгида таҳлил қилинган, фразеологизм ҳақиқий маъносини идрок қилиш жараёни бошланади ва тингловчида (китобхонда) ахборотга нисбатан вербал прагматик муносабатлар юз беради. Прагматик таъсир ўтказиш нафақат бир тилда содир бўлаётган коммуникатив жараёнда, балки бир тилдан иккинчисига ўгирилаётганда ҳам аҳамиятлидир. Таржима қилинаётган матнлар орқали матнни қабул қилувчига нисбатан керакли таъсир ўтказиш таржиманинг прагматик аспекти сифатида қаралади. Шунинг учун таржимон тилнинг нафақат лингвистик хусусиятларини, балки экстралингвистик томонларини ҳам билиши зарур. Шунинг учун таржимоннинг прагматик нейтрал бўлишини талаб қилиш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Лекин прагматик нейтраллик таржимада доимо ҳам кузатилавермайди. Масалан, “Чол ва денгиз” асарининг ўзбек ва рус тилларидаги таржимасида *parents had told him* ифодаси рус тилига сўзма-сўз таржима орқали *родители сказали мальчику*, ўзбек тилида эса *қулогига қуйдилар* шаклида таржима қилинган. Шу тариқа таржимоннинг ўзбек тили ички хусусиятларини яхши билиши, яъни коммуникатив мулоқотда халқ ибораларидан ўринли фойдаланиши кўзга ташланади. Таржимон эркин таржимадан фойдаланар экан, матнда айтмоқ сўзига коннотатив маъно бериб, прагматик таъсирни кучайтиришга эришади. Шу ўринда таржиманинг прагматик таъсири айнан ўзбек тилига хос халқона хусусиятларни намоён этади. Демак, таржимада прагматик нейтралликни сақлаш ҳамма вақт ҳам тилнинг лингвомаданий хусусиятларини очиб бера олмайди. Таъкидлашимиз мумкинки, эркин таржима бундай ҳолларда самарали таржима усули бўлиб, таржима қилинаётган матн мазмунини аслият билан мувофиқлаштиради қўл келади. А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги “*тўрт кўз билан кутиб...*” ФБ рус тилига “*ждёт не дожждётся его с нетерпением...*” тарзида қайта тикланмоқда. Бу ҳолатда рус тилидаги ФБ коннотатив бўёқдорлигини йўқотган. Айнан ўзбек халқига хос хусусият намоён бўлмаган. Бу ўринда рус тилидаги муқобил вариантлар сифатида *просмотреть все глаза, считать дни(часы, минуты)* ибораларини қўллаш мумкин эди.

Ишнинг иккинчи боби “Ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги СФБларнинг лингвомаданий хусусиятлари деб номланиб, СФБлар тадқиқида “маданий кодлар” ва “соматик фразеологик бирликлар таржималарининг лингвомаданий жиҳатлари” ҳақидаги маълумотлар кенг ёритиб берилган.

Маданият инсоннинг турли соҳалардаги ҳодисаларни ўзаро боғлаш қобилиятига таъсир қилувчи ахборот белгилари тизими асосланади. ФБларни лингвомаданий таҳлил қилиш жараёнида маданий код муҳим ўрин тутди. Бундай таҳлил ФБлар ва маданий кодларни, яъни маданий маънога эга бўлган воқеликни ўзаро боғлаш имконини беради. Маданий кодни рамзий маъно шаклини олган маънавий ва маданий дунёнинг белгилар тизими

сифатида қараш мумкин. Олимлар маданий коднинг асосий вазифасини маданий маконнинг тавсифи ва унинг шакли эса маънавий ҳамда маданий мавжудотнинг турли белгиларида акс этишини қайд этадилар.

Бизнинг тадқиқотимизда бош, юз, соч, тиш, кўз, қўл, оғиз, қош, ақл, тил, мия, қулоқ каби бош қисмларидан иборат СФБлар таҳлил объекти сифатида танланган бўлиб, инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги соматик фразеологизмлар маданий кодлар орқали таҳлил қилинди ва шу асосда турли тизимга мансуб тилларда соматизмлар қўлланишининг фарқлари ва ўхшашликлари кўриб чиқилди. Маданий кодлар бўйича фразеологизмларни таснифлаш муаммоси лингвомаданиятнинг муҳим масаласи бўлганлиги туфайли, биз фразеологизмларни маданий кодлар орқали таснифлашни таклиф қилган В.В.Ламова таснифини кенгайттирдик. Р.Батсурэн тадқиқотига ёндашиб, турли маданий кодлар орқали соматик фразеологизмларни таҳлил қилдик. Маданий кодлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, миллат тафаккури ва менталитетининг моҳиятини очиб беришини таърифладик. Бундан ташқари, баъзи маданий кодлар гуруҳида ҳар бир маданиятдаги соматизмлар моҳиятини очиб берадиган кичик гуруҳлар ҳам мавжудлигини атрофлича кўрсатиб, мисоллар асосида ёритдик.

Муайян тилдаги соматик коднинг бошқа маданият кодлари билан аниқ чегаралари йўқлиги билан характерланади. Бир маданий коднинг бошқаси билан уйғунлигини ифодалаб, уларнинг бир-бирини тўлдирилган маънода таърифланишини кузатиш мумкин ва шу асосда соматик кодларнинг таснифлари ҳосил бўлади²¹.

СФБлар инглиз, рус ва ўзбек тилларида ниҳоятда кўп. Рус тилида ФБларнинг 25% соматик фразеологизмлардан иборат. П.М.Вайнтрауб соматик фразеологизмлар миқдори 30 % ни, В.П.Шубина эса 15% ни, Ф.Вакк инсон танаси ташқи аъзоларининг, яъни бош, бурун, қўл, юрак, қулоқ, тил лексемалар СФБларнинг 70% ни ташкил этишини таъкидлайди²².

Таҳлилларимиз натижасида, инсон танасининг “бош” қисми доирасидаги ФБларнинг деярли 50% соматик бирликлардан ташкил топгандир. А.Блюм СФБлар доирасида қўл лексемаси энг фаол компонент эканлигини таъкидлайди²³.

Ўзбек, рус ва инглиз СФБларини ҳар томонлама ўрганишнинг муҳим жиҳати соматизмлар фаоллигини, уларнинг ФБлар таркибида қўлланиш частотасини ўрганишдан иборатдир. ФБлар таркибида соматизм компонентли иборалар частотасининг кўрсаткичлари қуйидаги диаграммада келтирилган.

²¹ Красных В. В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология: Курс лекций. – М.: Гнозис, 2002. – С.97.

²² Вакк Ф. О соматической фразеологии в современном эстонском литературном языке: Автореф. дис. ... канд. филол.наук. –Таллин, 1964. – С. 17.

²³ Блюм А. Семантические особенности соматической фразеологии. – М.: АСТ-пресс, 2000. – С.11.



Тадқиқотимиз давомида тананинг “бош” қисмидаги соматик ФБлар ўзбек тилида 1237 та, рус тилида 1553та, инглиз тилида 1880та эканлиги санок асосида аниқланди. Биз бу ўринда учта тилнинг фақат замонавий, тарихий, миллий-маданий фразеологик заҳирасини ташкил этувчи СФБларни танладик.

Соматик маданий код оламнинг лисоний манзарасини моделлаштириш асосида тилнинг лексик, фразеологик ва паремиологик фондида қатъийлашган. Маъноларни бир тилдан иккинчисига узатишда соматик маданий код томонидан ишлатиладиган тасвирий ва рамзий уйғунликни сақлаб қолиш кўпинча семантик жиҳатдан қийинчиликларга олиб келади. Масалан, ўзбек тилида: *оғзидан гуллаб қўймоқ* соматик фразеологик бирлиги, инглиз тилида: *to put one's foot in one's mouth* СФБ билан ифодаланган, рус тилида: *ляпнуть* шаклида берилиб СФ бирликсиз қайта тикланган.

Морриснинг таъкидлашича, “прагматика тилшуносликка семиотикадан – белгилар тизими назариясидан кириб келган бўлиб, уч йўналиш билан ажралиб туради: семантика (маъно белгиси), синтактика (боғланиш белгиси) ва прагматика (белги ва шахс)” ҳамда лингвопрагматика маълум бир соҳада умумий маънони кўрсатадиган рамзий тиллардир ²⁴.

“Бош” тана аъзоли ФБларнинг умумий миқдорини аниқлаш жараёнида ўзбек-рус ва инглиз-рус тилларидаги ФБлар луғати ҳамда интернет луғатларидан фойдаландик, шунингдек, ўзбек ва инглиз тилларидаги бадиий асарлардан СФБларни саралаб олдик.

Тадқиқотлар натижасида шуни айтишимиз мумкинки, инглиз, рус ва ўзбек тилларида ҳам бош тана қисмининг соматизмларидан *head(бош)*, *eye(кўз)* ва *mouth (оғиз)* компонентлари кенг тарқалган.

²⁴ Morris Ч.У. Значение и означивание // Семантика. – Москва. – С 37-89.



Ўзбек тилидаги фразеологизмларнинг кўп қисмини СФБлар ташкил этади. Жумладан: оғзимга маҳкамман, иккиюзламачи, кўзларимга ишонмайман, қулоғига лағмон илмоқ, оғзингга қара қабила. А.Исаевнинг фикрича, ўзбек тилида *кўз*, *оғиз*, *қўл*, *юрақ* компонентлари энг маҳсулдор ҳисобланади.

Ўзбек, рус ва инглиз тилларида СФБларнинг ўзига хос маданий хусусиятлари намоён бўлиб, айнан маълум миллат тилининг менталитетини ифодалайди. СФБларнинг учта тилда ҳам мувофиқ таржимасини таклиф қилиш мураккаб масалалардан бири деб ҳисоблаймиз. Соматик фразеологик бирликлар таржимасида уларнинг эквивалентлик ҳолатига эътибор берар эканмиз, учта тилда ҳам ўзига хос хусусият юзага чиқади. Биз эквивалентлик ҳолати СФБларда қандай юзага чиқишини, эквивалентлик, ярим эквивалентлик ва эквивалентсизликнинг миқдорини ҳисобга олдик. Жумладан, тўлиқ эквивалентли ҳолатлар: *to scratch one's head* – *чесать голову* – бошини қашламоқ; *to lose one's head* – *терять голову* – бошини йўқотмоқ; *to go in one ear and out of the other* – *войти в одно ухо и выйти из другого* – битта қулоғидан кириб, иккинчисидан чиқмоқ.

Ярим эквивалентли ҳолатларга биз СФБлар таркибида битта компонентнинг фарқланишини эътиборга олдик, масалан: *to be written all over the face* – *на лице написано* – пешонасига ёзилмоқ; *to be up to the ear in one's work* – *быть занятым по горло в работе* – бошигача ишга кўмилмоқ; *to lose one's tongue* – *проглотить язык* – тилини ютмоқ; *keep one's tongue between teeth, keep a still tongue in one's head* – *как воды в рот набрал* – оғзига толқон солгандай. Эквивалентсиз ҳолати: *to bury one's head in the sand* соматик фразеологик бирлиги Австралиянинг инглиз тили вариантыда *яширинмоқ* маъносини беради. Ўзбек тилида унинг эквиваленти йўқ, лекин биз ушбу соматик фразеологик иборанинг аналогини қидириб *кўз юммоқ/юз ўгирмоқ/ қўл силтамоқ/ бефарқ бўлмоқ* каби ибораларни таклиф қилишимиз мумкин. Бу ибора рус тилида калька усули орқали таржима қилинган ва қатор фразеологик луғатларда келтирилган: *прятать голову в песок*.

Сўзлашув услубига мансуб идиомалар кўпинча калька усули орқали бошқа тилга узатилади. Бу, айниқса, ёшлар тилида яққол намоён бўлади. Бундай идиомалар кўпинча инглиз тилидан рус тилига ёки рус тилидан ўзбек тилига сўзма-сўз таржима орқали ўтиши мумкин: *томи кетган* – *крыша поехала*, инглиз тилида эса аналог ҳамда лексик таржима орқали

ифодаланади: *toys in the attic, be not right in the head, have a bat in the belfry, loose mind.*

Рус тилида хотиранинг қисқалиги *куриная память, девичья память* СФБлари орқали намоён бўлади. *Девичья память* ФБ рус халқида аввалги вақтлардан қолган бўлиб, қизларнинг севган йигити кетиб қолиши билан ўзларига бошқа йигит топиб олишини назарда тутди. Рус тилидаги ушбу иборанинг ўзбек тилига таржимасида биз лексик баён усулини таклиф қиламиз: *паршонхотир*. Чунки доимо ҳам ФБларга мос эквивалент топилмавермайди, айнан ушбу ҳолатларда маъно аслиятдаги маънони сақлаш учун ФБни лексик баён орқали ифодалаш мақсадга мувофиқдир.

Инглиз тилидаги *sweet tooth* ибораси ўзбек тилида: *ширин томоқ*, рус тилида эса: *сладкоежка* сўзи билан ифодаланса мақсадга мувофиқ бўлади, бундай таржима аналогик усул билан берилади.

Бир *ёстиққа бош қўймоқ, бошини икки қилмоқ* соматик фразеологик иборалари учун инглиз тили луғатларидаги лексик ва ФБлар сирасидан инглиз миллий маданиятини тасвирлайдиган ибораларни аналогли таржима орқали беришга ҳаракат қилдик: *tie the knot, to get hitched, jump the hurdle, step off the carpet*. Рус тилида ушбу ибораларга мувофиқ ибора топилмаганлиги сабабли, биз лексик таржима орқали ФБни *связать себя узами брака/пожениться* тарзида келтирамиз.

Турли тизимли тилларда СФБларнинг эквивалентлик ҳолатини ўрганиш бевосита лингвомаданият билан боғлиқ, дейиш мумкин. СФБларнинг лингвомаданий аспектида эквивалентсиз ёки ярим эквивалентли ҳолат эътиборга олинади. Тўлиқ эквивалентли СФБларда маданиятга хос хусусиятлар ўз аксини топмаган. Антонио Памис Бетран этник жиҳатдан ўзига хос ёки маданий деб аталадиган кўплаб мажозий маъно англатадиган бирликлар мавжудлигини ва уларнинг халқ тилига мансублигини таъкидлайди²⁵.

Инглиз ва рус тилларининг СФБларида тиллараро фразеологик эквивалентлик даражаси анча юқорилигини кўриш мумкин. Чунки иккита миллий маданиятнинг бир-бирига яқинлиги фразеологиянинг эквивалентлик даражасини оширади. Масалан, қуйидаги соматик фразеологик ибораларда икки тилга хос тушунчалар мавжуд, шунинг учун ҳар икки тилдаги соматик иборалар тўлиқ эквивалент ҳисобланади: *синя борода – blue beard; голубая кровь - blue blood; Ахиллесова пята – Achilles heel; Дамоклов меч – sword of Damocles; Эзопов язык – Ezop's tongue*. Ушбу СФБларнинг этимологик жиҳатларини таҳлил қиладиган бўлсак, ҳар бир идиоматик ифоданинг келиб чиқиши битта манбадан диний ва мифологик адабиётлардан олинган. Бундай соматик фразеологик бирликлар Европа тилларидан рус тилига олинаётганда калька усули орқали таржима қилиниб олиб кирилади. Лекин *bluetooth* ибораси калька орқали эмас, балки транслитерация усули орқали олиб кирилган. *Синя борода – blue beard; голубая кровь - blue blood;*

²⁵ Pamies Antonio Pamies-Bertran "Zoo-Symbolism and Metaphoric Competence" "Research on Phraseology in Europe and Asia. Focal Issues of Phraseological Studies. – University of Bialystok, 2011. – P.308.

Ахиллесова пята – Achilles heel; Дамоклов меч – sword of Damokle; Эзопов язык – Ezop's tongue каби ФБларни ўзбек тилига ўгирганда айрим муаммолар юзага келади. ФБларнинг маъносини сақлаган ҳолда таржима вариантларини келтирдик: *голубая кровь – blue blood – оқ суяк; Ахиллесова пята – Achilles heel – нозик жой/нуқта; Дамоклов меч – sword of Damokle – қора булутлар; Эзопов язык – Ezop's tongue – яширин маъно*. Таҳлил натижасида, ўзбек тилида ушбу ФБларга аналоглар йўқлиги сабабли, лексик баён усули орқали таржима қилдик.

Қора суяк ФБ ўзбек тилида одамнинг паст табакага мансублигини ифодалайди, лекин бу иборага мувофиқ ибора на инглиз тилида, на рус тилида топилмади, шунинг учун биз ҳам бу ибора учун рус тилидаги айрим адабиётларда келтирилган *чернь* сўзини қўллашни маъқул топдик. Инглиз тилида ушбу ФБни турли лексик бирликлар орқали ифодалаш мумкин.

Инглиз ва рус тилларидаги ФБларнинг аксарияти калька орқали ўгирилган. Рус тилидаги *ветер в голове* ФБнинг инглиз тилидаги *mush for brains, scatterbrain* аналогли таржима орқали қайта яратилган.

Таржиманинг энг муҳим хусусиятларидан яна бири – бу прагматик аспектдир. Таржимада прагматик жиҳатларни инобатга олиш, бошқа тилдаги лисоний рамзларни тушунишда этномаданий тўсиқларни енгиш, ушбу тилга оид “культурема”ларни бошқа тилнинг лисоний рамзлари орқали тақдим этиш ҳамда фразеологик луғатда тиллардаги маданий жиҳатларни кўрсата олиш жиддий масаладир. Шундай қилиб, прагматика – бу тил жамоасининг тил бирликларига бўлган субъектив муносабати.

Ҳар қандай тилда сўз ва иборалар маданий муҳитни акс эттирадиган ўзига хос тил воситаларидир. Улар миллий маданият ва ижтимоий ривожланиш ҳақида муҳим маълумотларни ўзида кодлаштиради. Тилнинг ФБлари чуқур маданий маъноларга эгаллиги билан ажралиб туради. Улар тарихий воқеликларни, турли миллатлар руҳияти билан боғлиқ бўлган ички психологияни намоён этади ва турмушдаги муайян урф-одатларни ҳам англатади. Уларнинг шаклланиши ҳар қайси тилда ушбу тилда сўзлашувчи халқнинг маълум қоидаларига, анъналарига, урф-одатларига мувофиқ рўй беради. Масалан, *бошини иккита қилмоқ, бошини қовуштирмоқ/ бириктирмоқ/ қўймоқ, бир ёстиққа бош қўймоқ* ФБларининг асл маъноларини фақат ўзбек халқи маданиятидан хабордор бўлган одамгина тушуна олади. Лекин рус ва инглиз тилларида бу иборанинг муқобил варианты бўлмаса-да, таржиманинг тасвирий изоҳ усули орқали амалга ошириш мумкин. Масалан, *бошини иккита қилмоқ, бошини қовуштирмоқ/ бириктирмоқ/ қўймоқ, бир ёстиққа бош қўймоқ* ФБ рус тилига *женить*, инглиз тилига эса *to be married* шаклида таржима қилинади.

Инглиз тилида шундай иборалар мавжудки, улар АҚШ ва Буюк Британия маданиятидан келиб чиқиб, айнан ушбу халқларга мансублигига кўра ажралиб туради: *frog face; raccoon eye; purpy dog eye; bird's eye view; worm's eye view*. Бундай ФБнинг таржимаси луғатларда келтирилган эмас. Ушбу иборалардан фақат *bird's eye view* инглиз-рус тилидаги фразеологик луғатларда берилган. Рус тилига ушбу соматик ибора *с высоты птичьего*

полёта аналогли таржима орқали берилган, лекин иборанинг антоним жуфтлиги *worm's eye view* рус тилининг фразеология луғатида акс этмаган. Жумладан, *frog face* ФБ инглиз тилида бадбашара ва ёқимсиз инсонни таърифлайди, унинг аналогли сифатида рус тилидаги *жабья морда* ФБни, ўзбек тилида эса *кўзи олайган* тасвири изоҳ ёки *бақа кўз* аналогли орқали таржима вариантыни бердик. *Raccoon eye* иборасини рус ва ўзбек тилларига ўгиришда *синяки под глазами* ва *кўз остидаги кўкарши* каби тасвири изоҳ усулидан фойдаландик. Бундай ҳолатда тасвири изоҳ таржима усулининг тилда аналогли топилмаса, таржима аниқ маъно бера олмаса, калька усулини қўллаш самара беради, деб ҳисоблаймиз. Инглиз тилидаги *purru dog eye* ибораси ишонувчанликни ифодалайди, бу ибора рус тили фразеологик луғатларида *щеньчи глаза* калька таржимаси орқали берилган. Лекин мазкур ФБ рус тилидаги каби ўзбек тилига *кучук кўзлари* кўринишида калькалаб олинса, англашмовчилик вужудга келади. Шунинг учун биз таржимада яна ҳам аниқроқ тасвири изоҳ усулини қўллаб, бу СФБни *ишонувчан кўзлари билан* шаклида таржима қилдик. Инглиз тилида *bird's eye view* ва *worm's eye view* ибораси дунёга кенг ва тор қарашни ифодалайди. Биз ўзбек тилида ушбу ибораларнинг маъносини беришда қуш каби юқоридан ҳаммаёкни кўргандай, узокни кўрадиган инсон, қурт каби пастдан тепага қарагандай узокни кўрмайдиган инсон шаклидаги тасвири изоҳ усулидан фойдаланиш мумкин. Кўриниб турибдики, инглиз тилида СФБлар зооморфик код билан уйғунлашган ҳолда миллат менталитетини таърифлайди, лекин ўзбек тилида соматик зооморфик кодга тааллуқли ФБларнинг кам учрайди. Айрим ҳолатда соматик зооморфик бирликлар ўзбек тилига рус тилидан калька усули орқали таржима қилиниб киритилмоқда, жумладан: *куриные мозги – товук мия* каби.

М.И.Гадоева соматик фразеологизмлар доирасида 1368 та ФБни аниқлаган бўлса, биз ўз тадқиқотимизда ўзбек тилидаги 1237 та, рус тилида 1553 та, инглиз тилида 1880 та “бош” соматизмли ФБлар таҳлилини кўриб чиқдик.

СФБларнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги эквивалент ҳамда муқобил вариантларини қуйидаги жадвалда келтирамиз:

№	ФБлардаги соматизмлар	Эквивалент	Аналог	Калка/лексик/тасвирий таржима
1	Бош	44%	22%	34%
2	Кўз	25%	20%	55%
3	Оғиз	25%	40%	25%
4	Қулоқ	30%	45%	25%
5	Бурун	35%	45%	20%
6	Ақл/Мия	10%	55%	35%
7	Юз	10%	55%	35%

Хулоса қилиб айтганда, СФБлар таржимасида аналог ҳамда эквивалентлик усули энг кўп учрайдиган турлар сирасига киради.

Тадқиқотнинг учинчи боби “Бадиий асарлар таржимасида СФБларнинг прагматик жиҳатлари” деб номланиб, бадиий асарлардаги СФБлар таржимасининг коммуникатив-прагматик хусусиятлари ва бадиий асарлардаги СФБлар таржимасида прагматик мувофиқлик ва номувофиқлик ҳамда бадиий асарлардаги СФБларнинг лингвопрагматик тадқиқи каби масалалар фактик жиҳатидан ёритиб берилган.

ФБларнинг коммуникатив ва прагматик хусусиятларидан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки, уларнинг асосий прагматик параметрлари экспрессивлик, концептуаллик ва субтекст(яширин) маълумотлардир. Ҳар бир ФБ маълум коммуникатив вазифани бажаради. СФБларнинг таржимасида лингвистик ва экстралингвистик ҳолатларга ҳам эътибор қаратиш зарур. Экстралингвистик ҳолатлар бевосита миллатнинг ўзига хос анъана, урф-одатлари, маданияти, тарихи, жуғрофияси билан боғлиқ бўлади. СФБларнинг тўғри талқини ҳамда улар маъносини бошқа тилга етказиб бериш учун таржимон ўша миллатга хос ФБларни чуқур билиши зарур.

Бадиий асарлардаги СФБларни урта турли тизимли тиллар мисолида қиёсан ўрганишда, урта тилда сўзловчи миллатнинг менталитети ва фикрлаш тарзидаги ўзига хос фарқлар яққол кўзга ташланади. ФБлар бадиий асар тилига семантик кўрк бағишлайди, айна пайтда, нутқнинг эмоционал-экспрессивлигини таъминлайди. Прагматика муайян нутқ жараёнида белгилар ва улар иштирокчилари ўртасидаги муносабатни ўрганувчи семиотиканинг бир бўлиmidир. Ж.Лаёнс прагматиканинг предметини аниқлаш ва белгилашга уриниб, шундай дейди: “Прагматика тингловчининг маълумотни сўзловчини хоҳлаганча қабул қилишга ундаш учун мулоқотда тегишли тил бирликларидан фойдаланишини тавсифлайди”²⁶. Демак, прагматиклар шахслараро мулоқотда тилнинг ролини аниқлаш билан шуғулланадилар.

Мутаржим таржима жараёнида ўз эътиборини тил воситаларининг маъноси билан бирга, ушбу тил воситалари англатаётган маданий тушунчаларни ҳам етказиб бера олишга қаратмоғи керак. СФБлар берадиган метафорик маъно бошқа тилга ўгириляётганда ҳамма вақт ҳам метафорик маънони англатмайди, айрим ҳолатда метафорик маъно англатаётган ФБ бошқа тилда тўғри маъно англатувчи лексемалар орқали ифодаланади.

Таржимашунослик соҳасининг етук мутахассисларидан бири А.Нойбертнинг фикрига кўра, таржима назариясида прагматика асосий ва муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда²⁷. Таржима прагматикаси сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги мулоқотга қаратилганлиги, мулоқот иштирокчиларининг эса маълум бир маданий, миллий гуруҳларга тегишлилиги ушбу маданият ва миллатнинг ўзига хос хусусиятлари мулоқот жараёнида намоён бўлиши мумкинлигини ҳамда таржимада асл матн

²⁶ Soyibnazarov N. The role of pragmatics in translation. *Journal.jspi.uz* Jizzakh, – 2021. – P.8.

²⁷ Neubert, Albrecht. Pragmatische Aspekte der Übersetzung. In: *Fremdsprachen, Beiheft II.* – Leipzig: Enzyklopädie, 1968. – Б.21-33.

моҳиятини кўрсатиб, мулоқот қилувчиларнинг маданий ва миллий ўзига хос хусусиятларини етказа олиши муҳим масалалардан биридир.

Ўзбек тилида “кўз” компонентли СФБлар сони талайгина. Ушбу компонентли СФБлар бадий матнда ҳам кўп қўлланган. Шу ўринда Ғ.Ғуломнинг “Шум бола” асаридан олинган СФБларни таҳлил қиламиз, “кўз” компонентли СФБлар жуда кўп қўлланган. Жумладан, *кўз тикмоқ, кўзига иссиқ кўринмоқ, кўзи тўймайди, кўзи тор, кўзи ёриди, кўзини мошдек очмоқ, кўзлари учиб турмаган, кўзига қон тўлган, оғзимдан тушмайди, бошимдан кечирганларим, қулогимдан кетмайди, қулоқ солиб* каби СФБларди. Масалан: *Новча йигит сузган бўзадан оғзига татиб кўриб, биринчи оёқни Султонга узатди.* СФБнинг рус тилига таржимаси *Потом он попробовал процеженное питьё на вкус и протянул чашу Султану* тарзида берилган. Прагматик таъсирни таъминлаш учун таржимон *чаша* сўзидан фойдаланмоқда. Лекин, бизнинг фикримизча, *оёқ* сўзининг ўрнига рус тилидаги *рог* сўзини олган маъқулроқ эди. Таржимада таржимон калька усулидан фойдаланди, лекин илгариги вақтларда ҳайвонларнинг оёқ ёки шохидан ичимлик идиши ясалган. *Чаша* сўзи эса олтин, кумуш, мис каби турли металдан ясалган идиш маъносини ифодалайди (муаллиф таржимаси).

Ўзбек тилида СФБлар ўзининг эмоционал-экспрессивлиги билан ажралиб туради. Ушбу гапларда *Мен нафасим оғзимга тикилган ҳолда уларга воқеани айтдим* деган СФБни рус таржимони А.Наумов (1984) таржимасида: *Едва переводя дух, я рассказал им о случившемся; икки бармогини бурнимга тикиб бораманми* рус тилига эса *ходи-ил, рабо-тал, только на лохмотья и заработал!*...

Ўзбек тилида *қулогини ушлаб кетмоқ* фразеологик бирлиги ҳеч нарчасиз *қолмоқ, ҳақсиз қолмоқ* маъносида ўзбек халқи томонидан айнан шу мазмунни ифодалаш учун ишлатилган. Рус тилида эса лексик баён усули орқали ифода этилади, рус тилида матн коннотатив маъносини йўқотган. Бу *қулогини ушлаб кетавердим* соматик фразеологик бирлиги рус тилига: *А что тот... растяпа* шаклида таржима қилинган. Лекин бу СФБ таржимаси ўзбек тилидаги СФБ маъносини очиб бермаган. Рус тилида келтирилган *растяпа* ўзбек тилида *бўшашиган, ювош* деган маънода келади ва шунинг учун ҳам айнан юқорида кўрсатилган СФБнинг эквиваленти бўла олмайди. Шунинг учун бу иборани рус тилига *ни/без гроша, опустив руки, пустыми руками*; инглиз тилига *not a shot in the locker* тарзида таржима қилишни таклиф қилдик, ана шу тариқа ушбу СФБнинг муқобил вариантини топишга эришдик.

Бадий асар таржимаси жараёнида ўгирилаётган тилнинг нафақат маданияти, тарихи, балки прагматик жиҳатдан тингловчига асл маънони сақлаган ҳолда етказиш учун фразеологик бирликлар орқали таржима қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай таржима асарларида иборанинг коннотатив бўёқдорлигини йўқотмаслик таржимоннинг тўғри усулдан фойдаланганлигидан дарак беради. Таржиманинг аслиятга прагматик адекватлиги аслият ва таржима соҳибларининг бир хил ахборотга эга бўлишларини таъминлайди.

ФБлар таржимасидаги прагматик мувофиқликларнинг асосий 3 тури куйидагилар: 1.Тўлик мос келиш: *бошини йўқотмоқ – терять голову – to lose one's head*. 2.Қисман мос келиш: *бир қарич тил – длинный язык – long tongue; товуқ мия – куриные мозги – bird brain/sparrow brain*. 3.Бутунлай мос келмаслик: *кўз(и) ёримоқ – родить – give birth*.

Матнда ёки нутқда тарихий, маданий, географик, миллий прагматик ахборотларни ифодаловчи СФБлар таржима тилида калькалаш, изохлаш, тушунтириш, матн ичида ёки остида изохлаш орқали таржимани амалга оширишни тақозо қилади.

Ўзбек тилидаги *боши кўкка етмоқ* СФБнинг рус тилидаги аналог *быть на седьмом небе от счастья*дир. Таржимон матн таржимасида ушбу аналогдан фойдаланган. Икки тилда соматик иборалар “анимик-соматик маданий код”га тааллуқли бўлиб, таржимада ҳам маъно мутаносиблигига эришилган.

“Чол ва денгиз” асаридаги *How would you like to see me bring one in that dressed out over a thousand pounds* жумласи рус таржимонлари Е.Гольшева, Б.Изаков томонидан *А ну как я завтра поймаю рыбу в тысячу фунтов* тарзида таржима қилинган бўлса, ўзбек таржимони И.Ғофуров уни СФБ орқали *Қалай, эртага минг қадоқли балиқ тутишимга кўзинг етадими?* тарзида образлаштирилган таржима орқали беради.

У ёки бу халқнинг бадиий асарлари таржимаси соҳасида, прагматик мувофиқликни сақлаган ҳолда, китобхонга аслият маънони тўғри етказиш учун таржимондан нафақат тилшунослик борасида билимларга эга бўлиш, балки ўгирилаётган тилнинг маданияти, урф-одатлари, тарихи, оғзаки сўзлашув нутқидан хабардор бўлиши ҳам талаб этилади. Бу эса, ўз ўрнида, аслиятнинг таржима тилига мувофиқлашиши, асар прагматик хусусиятларини сақлаш имконини беради. Бадиий асарлар таржимасида асосан аналог, эквивалент, тасвирий изоҳ ҳамда комбинация(лексик баён) усулларида фойдаланилган.

Масалан, “Ўткан кунлар” асарида: *Ҳасанали секингина дарича остига ётиб хужра ичига қулоқ солди. Хужра ичи тинч эди. Орадан уч-тўрт дақиқа фурсат ўтиб хужрадан шип эткан товуш эшитмади. Тагин бир неча дақиқа қулоқ узмай туриб, сўнгра ўрнидан кўзгалмоқчи бўлган эди, ичкаридан «уффф» деган ихраш эшитди. Ҳасаналининг қулоқлари тиккайиб ўрнидан турди, кўзи оланган эди, жумаласи рус тилида: *Хасанали тихонько прилег у худжры и стал вслушиваться. В комнате царил тишина. И ничто ее не тревожило. Подождов еще некоторое время, Хасанали решил было подняться с места, как изнутри раздался тяжелый вздох. Насторожившись, Хасанали напряг слух и встал, в его глазах появились беспокойные огоньки.**

Матнда ўзбек тилидаги *қулоқ солди, қулоқ узмай, қулоқ бўлиб* каби СФБлар рус тилида коннотативликни йўқотиб, шунчаки оддий лексема орқали таржима қилинмоқда. Таржимон муқобил вариантдан фойдаланган, лекин ўзбек тилида ушбу ФБларга хос бўёқдорликни тўғри ифода эта олмаган. *Қулоқ бўлиб айланган* СФБ рус тилидаги *превратился в слух* СФБ

билан тўлиқ эквивалент бўла олади, шунингдек, таржимада транслитерация усулидан фойдаланилган. Таржимага мос эквивалент топилмагач, таржимон турли усуллардан фойдаланиб, бошқа тилнинг мутаносиб лексикаси орқали матн мазмунини ёритишга эришган. Таржима қилинаётган матнда ифода этилган коннотация таржимада йўқолиб кетиши керак эмас, яъни турли тил воситалари қўлланса ҳам, таржима аслиятнинг тўлиқ мазмун-моҳиятини кўрсата олиши шарт. Ана шундагина таржимада прагматик таъсир юзага чиқа олади.

Таржиманинг прагматик мувофиқлиги қабул қилувчи(тингловчи)нинг хабар моҳиятини тушуниши ва унинг мажозий маъносидан хабардорлигини таъминлаш имкониятини яратиши керак. Инглиз олими Басил Ҳатим прагматикани вазият, ният ва мақбуллик нуқтаи назаридан тавсифлайди. Демак, прагматик ёндашувда бу уч муҳим хусусият бадий таржимада қўлланади, деб айтиш мумкин.

ХУЛОСА

1. Рус ва инглиз тилларига нисбатан ўзбек тилида СФБнинг миқдори соматизмлар тизимида синонимик ифодаларнинг кўплиги билан белгиланади. СФБлар нутқда экспрессивликни (“кучайтирилган”, “тасвирий”) ва эмоционалликни ифодалаш учун хизмат қилади.

2. СФБлар лингвомаданий жиҳатларини таржима қилишда таржиманинг коммуникатив-прагматик аспекти, луғат ва матнда соматик бирликларга хос таржима усуллари назарий жиҳатдан аҳамиятлилиги аниқланди.

3. СФБлар таржимаси 1) эквивалент; 2) муқобил; 3) тасвирий изоҳ; 4) лексик баён; 5) калька таржима усуллари орқали амалга оширилганлиги таҳлиллар натижасида кўрсатиб берилди.

4. СФБларнинг нисбати бош” компонентли соматик ФБлар статистик таҳлилга кўра, “ўзбек тилида 1237 та, рус тилида 1553та ва инглиз тилида 1880 та эканлиги аниқланди.

5. Код тилнинг семиотик тизимига тааллуқли бўлиб, тилни рамзлар орқали ифодалашда муҳимдир. “Маданий кодлар” асосида СФБларнинг 16 та коди белгиланди. Мазкур гуруҳларда инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги СФБларнинг халқ маданияти, миллийлиги, оламнинг миллий манзараси билан боғлиқ бўлган жиҳатлари таҳлиliga кўра учта миллатга хос хусусиятлар ажратиб кўрсатилди.

6. СФБ ҳар доим прагматик асосга эга ва қабул қилувчига мақсадли таъсир кўрсатиш учун ишлатилади. ФБлар матннинг ёки унинг қисмига доир прагматик йўналишни – контекстни кучайтиради. ФБларнинг муайян вазиятда баёнот семантикасига, лексик ва прагматик маъноси фарқланишига таъсир кўрсатади.

7. Ўзбек фразеологияси фондида соматизмлар билан боғлиқ бўлган бирликлар ғоятда салмоқли ўрин тутди ва бу нафақат кундалик фаолиятда, балки бадий адабиётда ҳам қахрамонлар рухий кечинмалари ифодасида инсон тана аъзолари иштирокининг фаоллиги билан изоҳланиб, ўзбек, рус ва

инглиз тилларида эмоционал-экспрессивлик, бўёқдорлик жиҳатлари билан фарқланиши кузатилди.

8. Бадий асарлардаги СФБлар таржималарининг прагматик таҳлилида таржимон аслият тили, маданияти, тарихи, анъана ва урф-одатларидан яхши хабардор бўлсагина, СФБларни прагматик жиҳатдан мувофиқ таржима қила олиши мумкинлиги асосланди.

9. СФБлар бадий таржимада маданиятлар ва миллатлар ўртасидаги боғлиқликни англашни кучайтириши, бирор бирикманинг таржима тилида эквиваленти ёки муқобил варианты бўлмаса, таржима қилинаётган тилдаги маъноси ўзгача бўлган бошқа шаклдошига мувофиқлаштириш билан таржима қилиниши исботланди.

10. СФБлар таржимасида билвосита таржима матнига эргашиш, аслият тилини етарли даражада билмаслик айнан хато ва камчиликларнинг юзага келишига, асар прагматик потенциалининг сусайишига сабаб бўлиши далилланди.

11. СФБни шартли равишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин. Энг кенг қўлланиладиган гуруҳ – биринчи гуруҳ, яъни бир тилдаги СФБ иккинчи тилга таржима қилинганда бошқа бир соматизм билан фарқланиши, шу билан бирга, маъно жиҳатидан ўзгармаслиги мумкин. Кўпинча ФБлар икки тилда мос келиши мумкин, учинчисида эса уларнинг ўхшаши йўқ ёки соматизм компонентсиз ишлатилади. Таркибида бир хил соматизм қўлланган ва бир хил маънога эга ФБларни ўз ичига олган иккинчи гуруҳ ҳам ўзининг серқирралиги билан ажралиб туради, бу эса ташувчи халқлар орасида инсон тафаккурининг умумийлигини кўрсатади. Учинчи гуруҳ таркибида бир хил соматизмлар турли таржима имкониятига эга ФБлар эканлиги кузатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ АНДИЖАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

БАТИРХАНОВА МАДИНА ОЙБЕКОВНА

**ЛИНГВОКУЛЬТУРНО-ПРАГМАТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
ПЕРЕВОДА СОМАТИЧЕСКИХ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ (на
примере основания части тела "голова" в узбекском, русском и
английском языках)**

**10.00.06 – сравнительное литературоведение, сопоставительное
языкознание и переводоведение**

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (phd) по филологическим наукам

Андижан – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2022.2.PhD/Fil1222.

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу Андижанского государственного университета www.adu.uz и на информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Хошимова Дилдора Мадаминовна
доктор филологических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Раупова Лайло Рахимовна
доктор филологических наук, профессор

Гадоева Мавлюда Ибрагимовна
кандидат филологических наук, доцент

Ведущая организация:

Кокандский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится 2022 года «_____» _____ в _____ часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.60.02 при Андижанском государственном университете (Адрес: 170100, Андижан, улица Бабур шах, 5-дом. Тел: 0(374) 223-88-14; факс: 0(374) 223-88-30 e-mail: agsu_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Андижанского государственного университета (зарегистрирована за № _____). (Адрес: 170100, Андижан, улица Бабур шах, дом 5. Тел.: 0(374) 223-88-14.

Автореферат диссертации разослан: «_____» _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки № от «_____» _____ 2022 года).

Ш.Х.Шахабитдинова

Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.ф.н., профессор

Ф.Ф.Усманов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученой степени, д.ф.ф.н.

М.И.Умарходжаев

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученой степени,
д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и значимость темы диссертации. Отсутствие признанного единого и совершенного взгляда на фразеологизмы в мировой лингвистике стало причиной регулярных дискуссий в рамках этого вопроса. Это требует серьезного изучения фразеологизмов, поскольку фразеологизмы позволяют глубоко понять духовное наследие, богатую историю, национальные ценности, культурное и духовное богатство любого народа, в то же время остро стоит проблема их перевода на другие языки. считается одной из актуальных проблем переводоведения. Именно в процессе перевода определение языковых и культурологических особенностей фразеологизмов в лексике языка, показ их уникальности в каждом языке остается одной из главных задач науки о переводе.

В мировой лингвистике возросло внимание к взаимосвязи языка и культуры, пониманию национального менталитета, исследованию его коммуникативной функции через “культурные коды” фразеологизмов. Важной лингвистической проблемой является выявление лингвокультурологических аспектов соматической фразеологии в разных систематических языках - национального самосознания, национального мышления, национального мировоззрения.

Несмотря на то, что фразеология является одним из глубоко и последовательно исследуемых направлений в узбекском языкознании, проблемы соматических фразеологизмов в лексике узбекского языка в переводоведении изучены недостаточно в разных систематических языках. Известно, что на современном этапе стремительных реформ в нашей стране узбекский язык, являющийся одним из древнейших и богатейших языков мира, является символом нашей национальной самобытности и независимой государственности, бесценным духовным богатством, большой ценностью для нашего народа²⁸. На сегодняшний день в различных сферах нашего общества происходят стремительные изменения. В частности, кардинальные реформы в области языкознания и переводоведения требуют новых взглядов и подходов к изучению этих предметов. Сопоставительное изучение узбекского языка с неродственными языками позволяет представить вниманию всего мира на шедевры нашей национальной культуры, основанные на узбекской фразеологии, редкие образцы нашего языка. Для достижения этой цели необходимо поставить перспективу фундаментальных исследований в этой области на уровень достижений мировой науки. В современную эпоху, когда внимание к обучению иностранным языкам стало одним из приоритетов государственной политики, Президентом Республики Узбекистан от 20 октября 2020 года № ПФ-6084 «В концепции развития

²⁸Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 20.10.2020 йилдаги ПФ-6084-сон/ Халқ сўзи. – Тошкент, 2020, 20 октябрь. – № 1398.– Б.1. (Указ Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева «О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в нашей стране», № УП-6084 от 20.10.2020/Народное слово. - Ташкент, 20 октября 2020 года. – № 1398.– Б.1.)

узбекский язык и совершенствование языковой политики в 2020-2030 годах» перевод аудиовизуальных произведений, художественных фильмов, литературы с государственного языка на другие языки широко развернуть переводческую работу, сформировать план переводов по каждому направлению (с января 2022 года), сформировать группу переводчиков (с марта 2022 г.), осуществлять переводческую работу (с апреля 2022 г.), популяризировать переводы (с 2022 г.), государству сохранять чистоту языка, улучшать его и повышать речевую культуру населения, создание учебных словарей для всех видов непрерывного образования на базе существующих словарей на узбекском языке, развитие сети учебной лексикографии узбекского языка, создание современных учебных словарей нового поколения и их электронных форм и словарей терминов по отраслям подчеркивается создание культуры, совершенствование системы образования, повышение возможностей качественных образовательных услуг. Поэтому возникает необходимость проведения научных исследований в сравнительном и переводческом аспектах лингвокультурологического и прагматического анализа фразеологизмов, выражающих национально-культурные особенности разных систематических языков.

Данное диссертационное исследование служит реализации задач, обозначенных в указах Президента Республики Узбекистан №УП--5850 от 21 октября 2019 года 5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка», Указ Президента Республики Узбекистан № УП-2789 от 17 февраля 2017 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, № УП-5117 от 19 мая 2021 года о мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности по популяризации изучения иностранных языков в Республике Узбекистан, Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11 августа 2017 года “О мерах по дальнейшему повышению качества преподавания иностранных языков в образовательных учреждениях” и других нормативно-правовых документах “О мерах по выводу на новый уровень по качеству”.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. I. Исследование “Формирование системы инновационных идей в социально-правовом, экономическом, культурном, духовно-образовательном развитии информированного общества и демократического государства и пути их реализации” проводилось в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики.

Степень изученности проблемы. Изучение соматической фразеологии в мировой лингвистике началось во второй половине 20 века. Соматические фразеологизмы в пределах одного языка Ф. Вак, Р. М. Вайнтрауб, Г. А. Багаутдинова, А. В. Дыбо, С. Г. Алексеева, Т. И. Егорова, Н. А. Седова, Чой Юн Хилар; на двух языках, П.М.Аркадев, Э.Ф.Арсентьева, А.В.Гандалова (английский и ингушский), Ге Цин Шен (китайский и английский), А.Ю.Мусалова (ногайский и английский), Э.С.Гасанова

(русский и азербайджанский), И.Ю.Аджиева (русский и чеченский), Ф.И. Даутова (русский и кумыкский), Тимеа Чете (русский и венгерский), О.А. Кононова, Л.И.Харченко, Ю.А.Шашкова, Р.Ю.Мугу (русский и немецкий), Е.В.Николина, Н.Ж.Гумерова; а в трех измерениях ее изучали в сравнительном аспекте Ж.Х.Гергокова, Ю.А.Долгополов²⁹.

Впервые в узбекском языкознании были Э.Д.Поливанов, позже И.Кочкортоев, Ш.У.Рахматуллаев, М.Е.Умарходжаев, А.Е.Маматов, Б.Йолдошев, Х.Бердиёров, Г.И.Эргашева, А.М.Бушуй, Л.И.Ройзензон, Г.Саломов и др., а в последние годы соматические фразеологизмы исследовали такие лингвисты, как О.Назарова, Ш.Абдуллаева (узбекский и каракалпакский), О.С.Ахмедова, Ш.Р.Усмонова (узбекский и турецкий), У.Рашидова, З.Ж.Абдурахимова, М.Гадоева, Г.И.Эргашева, Н. Турсунова и другие³⁰.

²⁹ Долгополов Ю.А. Сопоставительный анализ соматической фразеологии (на материале русского, английского и немецкого языков): Автореф. дисс. ... канд. филол.наук. – Казан, 1973. – 27 с.; Арсентьева Е.Ф. Сопоставительный анализ фразеологических единиц (на материале фразеологических единиц, семантически ориентированных на человека в английском и русском языках). – Казань: Издательство Казанского университета, 1989. –130 с.; Аркадьев П.М. Полисемия названий головы в славянских и германских языках в типологическом и историческом аспектах // Московский лингвистический журнал. – 2002. – № 6. – С. 42-47. Харченкова Л.И., Шашков Ю.А. Облик человека в зеркале русского и испанского языков // Логический анализ языка. Образ человека в культуре и языке. – Москва: Индрик, 1999. – С.312-319.; Азимова М.Н. Сопоставительный анализ соматической лексики и фразеологии таджикского и английского языков: Автореф. дисс. ... канд.филол.наук. – Душанбе, 1980. – 22 с.; Абрамова А.Г. Фразеологические единицы с компонентами – соматизмами в разноструктурных языках: на материале русского и чувашского языков: Дисс. ...канд. филол. наук. – Чебоксары, 2005. – 181 с.; Бибилейшвили Ц.В. Типологическое сопоставление французской и грузинской фразеологии (на материале соматических фразеологизмов): Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. –Тбилиси, 1986. – 24 с.; МугуР.Ю.Полисемантизм соматической лексики: на материале русского и немецкого языков: Дисс... канд. филол. наук. – Майкоп, 2003. – 174 с.; Чой Юн Хи. Внутренняя форма соматических фразеологических единиц русского языка (в сопоставлении с фразеологическими единицами корейского языка): Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2001. –225 с.; Николина Е.В. Соматические фразеологизмы, характеризующие человека в тюркских языках Сибири и казахском: Автореф. дис. ... канд.филол.наук. – Новосибирск, 2002. – 24 с.; Мусалова А.Ю. Соматические фразеологические единицы в ногайском языке в сопоставлении с английским: Дисс. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2015. –186 с.; Тимеа Чэтэ. Соматические фразеологизмы в русском и венгерском языках: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Москва, 1999.

³⁰Рахматуллаев Ш. Некоторые вопросы узбекской фразеологии. – Ташкент: Фан, 1966. – 262 с.; Умарходжаев М.И. Основы фразеологии – Ташкент: Фан, 1983. – 132 с.; Маматов А.Э.Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1999. – 316 б.; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри дисс. ... автореф. – Тошкент, 1993. – 47 б.; Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремияларига лўғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 122 б.; Эргашева Г.И. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг қиёсий типологик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011. – 149 б.; Назаров О. Сопоставительный анализ соматических фразеологизмов русского и туркменского языков: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ашхабад, 1973. – 203 с.; Абдуллаев Ш. Ўзбек ва каракалпак тилларидаги “бош қотирмоқ” ибораси ҳақида // Тил ва адабиёт таълими, 2005. – №1. – Б.80-82.; Ахмедов О.С. Қиёсий тилшунослик инглиз тили терминологиясида соматик ва зономик компонентли терминларнинг таржимадаги лексик-семантик хусусиятлари. – Тошкент, 2018. – Б.137.; Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик иборалар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1998. –162 б.; Бушуй А.М. Библиографический указатель литературы по вопросам фразеологии. – Самарканд, 1976. - Вып. IV.;Ройзензон Л.И.,Бушуй А.М. Материалы к общей библиографии по вопросам фразеологии. – Самарканд, 1970. – Вып. II.; Саломов Ф. Таржима ташвишлари. – Тошкент, 1983. – 138 б.Рашидова У. Соматик фраземаларнинг тилшуносликда ўрганилиш тарихига доир: Филол.фан.номз. ... дисс.автореф. – Тошкент, 2016. – Б.75.; Абдурахимова З.Ж. Инглиз ва ўзбек тилларидаги соматик фразеологизмларнинг лингвостилистик, хусусиятлари ва уларнинг ўзбек тилида берилиши (лексикографик манбалар асосида). – Самарканд, 2015. – Б.25.; Гадоева М.И. Comparative analysis of somatism “Head” in the Uzbek and English languages. – Bukhara, 1984. – P.197-204.; Турсунова Н.Ф. Турли тизимдаги тиллардаги миллий-маданий хусусиятларни ифодаловчи фразеологизмлар ва уларнинг лингвокультурологик таҳлили: Филол. фан. д-ри.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Исследование проведено в соответствии с планом научно-исследовательской работы Ферганского государственного университета в рамках «Лингвопрагматического изучения переводов фразеологизмов».

Цель исследования заключается в выяснении значения соматических фразеологизмов с компонентом «голова» в узбекском, русском и английском языках и выявлении особенностей употребления этих единиц в тексте с лингвокультурно-прагматической точки зрения.

Задачи исследования:

Определить соматические фразеологизмы «головных» частей тела в узбекском, русском и английском языках через национальные «культурные коды» и научно обосновать вопрос межкодового исследования;

показать, что перевод соматических фразеологизмов (СФЕ) с узбекского на русский и английский языки осуществляется посредством эквивалента, альтернативы и кальки;

